



Мавзу: Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий ўзгаришлар

1. Мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш.

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.

3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

Мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият.

XX асрда 70 йилдан кўпроқ вақт ҳукмрон бўлган, дунё харитасида “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи” деган ном билан катта ҳудудни эгаллаган, сохта коммунистик мафкурага, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги тўғри бўлмаган, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 1980-йилларнинг охирига келиб барча иттифоқдош республикалар қаторида Ўзбекистон аҳолисининг ҳам яшаш шароитларини оғирлаштириб, уни кўплаб муаммолар исканжасига солиб қўйди.



Бу муаммоларнинг барчаси 1980-йилларнинг охири, 1990-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди. Хусусан:

- республикада демографик вазиятнинг мураккаблашди. Статистик маълумотлар таҳлили аҳоли рўйхатга олинган давр оралиғида, яъни 1979-1989 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 15379,4 минг кишидан 19810,0 минг кишига ёки 28,8 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 фоизни ташкил қилган. 1991 йилга келиб мамлакатда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386,0 минг кишига ўсган. Бу эса Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари Иттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юқори бўлганини кўрсатади. Бироқ, аҳолининг бундай ўсиши узок йиллар давомида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Бу эса одамлар турмуш шароитининг оғирлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди;



- республика иқтисодиётининг бирёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хомашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши жуда паст эди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хомашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилган бир вақтда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот четдан олиб келинган. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш имконини берувчи электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзғор техникаси ишлаб чиқариш каби ва бошқа кўпгина илғор тармоқлар қониқарли ривожлантирилмаган. Аксинча, республикада сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқаришлар асоссиз равишда ривожлантирилди;

- ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало саноат объектлари асосан стихияли равишда, аниқроғи, буйруқбозлик билан қабул қилинган қарорлар асосида, кўпинча илм-фан вакиллари, билимли ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мутлақо эътиборга олинмай жойлаштирилган. Бу эса республика иқтисодиёти ҳамда аҳоли пунктларининг экологиясига салбий таъсир ўтказиб, аҳолининг ҳаёт таъминотиغا, одамларнинг яшаши ва уйғун камол топиши учун зарур шароитларни яратиш имконини бермаган;



- республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоизни, ичимлик сув билан таъминланиши салкам 50 фоизни, табиий газ билан таъминланиши 17 фоизни ташкил этар эди. Аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат объектлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади. Ваҳоланки, аҳолининг кўпчилики қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди.

Республикада шаклланган вазият иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ижтимоий соҳадаги зиддиятларни юмшатиш ва энг асосийси – ижтимоий можароларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўришни талаб қиларди. Бевосита Ислом Каримов раҳбарлигида республикада тартибсизликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тартиботни сақлаб қолиш ҳамда аҳолининг энг асосий ва ҳал этилишини кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган превентив чоралар кўрилди.

Жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан, тарихий тараққиётимиздан олинган жамийки фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда Ўзбекистон бозор иқтисодиётини қуришда ўзига хос йўлдан бориб, ижтимоий соҳага кучли эътибор қаратди. Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасининг пасайиб бориши

Транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, ўй-жой қурилиши соҳаларидаги хизмат кўрсатиш сифатининг пасайиши

Пулнинг тобора қадрсизланиб бориши

Кўплаб халқ истеъмоли моллари тақчиллигининг сезиларли ошиб бориши

Меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш шароитларининг ёмонлашиб бориши

Давлат бюджетининг камомати ўсиши

Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг кескин пасайиб кетиши



❖ Ўзбекистонинг ўз янгилашиш ва таракқиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

❖ **Биринчи босқич** - 1991-1994 йилларни ўз ичига олган бўлиб, унда собиқ тузумдан мерос бўлган ижтимоий тизим бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилиб, дастлабки йиллардаги ижтимоий соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни юмшатишга, уларни ҳал этишга қодир бўлган мутлақо янги ижтимоий тизимга асос солинди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани сари ижтимоий тизим ҳам такомиллашиб борди ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган харажатлар ва ўз муддатини ўтаб бўлган ижтимоий ҳимоя чоралари мувофиқлаштирилиб ёки бартараф қилиб борилди.

❖ Бундан асосий мақсад, нархларни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадлари ва биринчи навбатда энг керакли истеъмол маҳсулотларини истеъмол қилишнинг пасайиб кетишининг олдини олиш эди.



❖ **Иккинчи босқич** - 1995 йилдан бошланди. Бунда оммавий ижтимоий ҳимоя тизимидан бутунлай ўзгача, мақсадли ва адресли характерга эга бўлган ҳимоя тизимига ўтиш амалга оширилади борди. Бу даврда иқтисодий ўсиш бошланиши билан аҳолининг янги эркин бозор иқтисодиётига кўникма ҳосил қилиши ва унда бевосита иштирок этиши кузатилди. Шунинг учун аҳолининг яшаш даражаси, унинг учун шарт-шароитлар яратилиши ва барқарорлашиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятларига айланиб борди.

❖ Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврдан республика ҳукумати ва Президенти томонидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат пенсия таъминоти, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳақида ва бошқа шу каби республика Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва Президент Фармонлари қабул қилинди. Масалан, Республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш тўғрисида, кўп фарзандли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги бир қатор Фармонлари қабул қилинди.



IV УСТУВОР ЙЎНАЛИШ МАСАЛАЛАРИ

- 4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш;**
- 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:**
- 4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:**
- 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:**
- 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш**



❖ Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий инфратузилма, арзон уй-жойлар, иш жойларидаги меҳнат шароитлари, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчи ҳамкорлиги борасида аниқ тасаввурга эга бўлиши учун иштирокчиларнинг бевосита жойларга сафар уюштириши ҳам кўзда тутилган. Аҳолининг реал даромади ва бандлигини изчил амалга ошириш орқали фаол ижтимоий ҳимоя, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиғини муҳофаза қилиш йўналишидаги давлат тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли яшаш шароитлари яхшиланишини таъминловчи арзон уй-жойлар қурилиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни рўёбга чиқариш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш истиқболлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш



❖ Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.





"Ўзбекистон фуқароларини тинглаш" лойиҳаси доирасида 1500 та уй хўжалиklarининг сўров натижаларига кўра

БАНДЛИК ДАРАЖАСИ

Июнь ойида бандлик олдинги даражаларига жадал суръатлар билан қайтишда давом этмоқда



АПРЕЛЬ 67%

ИЮНЬ 26%

Ойлик маош олиб ишловчиларнинг бандлиги июнь ойида ўртача 2019 йил даражасига қайтди



Уй хўжалиklarида "ишидан айрилгани ёки ишга чиқмаётганлиги" тўғрисида хабар берган



Апрель ойида ўзини-ўзи иш билан банд қилганликларини кўрсатган респондентларнинг фоизи камайди ва июнь ойида пасайишда давом этди

КАМБАҒАЛЛИК ҲОЛАТИ

Ёрдам олиш энг кам даромад кўрсаткичига боғлиқ бўлган кузатилди ва асосан энг заиф уй хўжалиklари учун ёрдам берилди.



3,8

миллион фуқаро қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари қабул қилди



пулсиз кўринишдаги нафақа ёки купонлар шаклида келган ва асосан шаҳар жойларида кенгроқ тарқатилган

Озиқ-овқат истеъмол камайди



деб белгиланган уй хўжалиklари улуши

респондентлар пандемия бошлангандан сўнг ёрдам тақдим этилганини қайд этишган

ТОВАРЛАР ТАҚЧИЛЛИГИ

Июнь ойида ҳудудларда товарлар танқислиги ҳолатлари камайди



туманда захиралар тугаганлигини қайд этишди



дори-дармон ва ниқоблар тугаганлигини қайд этишди



МОЛИЯВИЙ ФАРОВОНЛИК

Даромад манбаидан айрилган уй хўжалиklarида харажатларнинг ошганлиги ва пандемия иқтисодий таъсири ҳақида кўпроқ хавотирда эканликларини билдирилди



респондентларда харажатлар сезиларли даражада ўзгарган

60-65%

иштирокчилар охириги 30 кун ичида одатдагидан кўпроқ пул сарфлашган



МИГРАЦИЯ ВА ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

Апрель ойида пул жўнатмаларини қабул қилганлар улуши, 2019 йилда шу даврига нисбатан икки мартабага қисқарди



Апрель ойида оила аъзолари хорижда ишлаётган уй хўжалиklarининг улуши 2019 йилнинг худди шу даврига нисбатан 3 фоизга кам бўлди.

Хорижда бўлганлар орасида фаол иш билан банд бўлганлар улуши камайди



Апрелдан июнгача бўлган даврда келажакда чет элга кўчиб ўтиш ниятида бўлганлар деярли нолга тушиб кетди.

Пул жўнатмалари ўртача ҳажми апрель ойида 21% камайди, лекин май ойида яна ошди

ОДАМЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ ВА ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ

КОВИД-19 эҳтимолий таъсири ҳақида ташвиш апрель ва июнь ўртасида бир оз камайди

75% ДАН ОРТИҚ

иштирокчилар КОВИД-19 билан "жуда яхши таниш" катликларини айтишди



соғлиқлари учун "жуда хавотирда" эканликларини билдирганлар улуши камайди



Иқтисодий оқибатлари ҳақида "жуда хавотирда" бўлганлар улуши камайди

Пандемия даврида одатий ҳаракатлари ўзгарганлигини таъкидлашди



Кўпинча бунда қуйидагилар назарда тутилган:



қўл сиқиб кўришиш, ўпишиш ва саломлашиш
ижтимоий масофани сақлаш
уйдан ташқаридаги ишларга камроқ вақт сарфлаш
ўзини-ўзи изоляция қилиш



Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги

Қорақалпоғистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги,
вилоятлар Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш
бош бошқармалари

Туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари

Маъмурий бинолардан фойдаланиш
бошқармаси

Электрон кооперация портали маркази

«Лойиҳалар ва импорт контрактларини
комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК

Тадбиркорликни ривожлантириш
агентлиги

Тадбиркорлик фаолиятини
қўллаб-қувватлаш давлат
жамғармаси

Прогнозлаштириш ва
макроиқтисодий тадқиқотлар
институти

Тармоқ бозорлари ва ишлаб
чиқаришда меҳнат унумдорлиги
тадқиқотлари маркази

Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби



“Энг олис ҳудудларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етарлича тушунча ва билим беришимиз керак. Тадбиркорларга имконият ва шароит яратиб берсак, улар ўзларини ҳам, аҳолини ҳам иш билан таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат

Мирзиёев.



4.1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш бўйича.

“Халқни тадбиркор қилиш” шиори остида тижорат банкларитомонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аёлларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида **2,5 трлн.сўм** кредитлар ажратилди.



Битирувчилар ишли бўлади

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурига мувофиқ 2016/2017 ўқув йилидаги **450** минг битирувчини иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, **800** дан ортиқ ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасини бевосита касб-ҳунар коллежларида ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган талабаларга **360** миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш, ногирон ва кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган коллеж битирувчилари учун **50** мингта иш ўрнини банд қилиш режалаштирилган.



Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида 360 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш бўйича банклар ва ҳудудлар кесимида прогноз кўрсаткичлар тасдиқланди. Ҳисобот даврида 79,2 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди (*Давлат дастурининг 274-банди*).



Ҳисобот даврида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишидаги ҳудудий дастурлар доирасида 2 633 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 17 599 та янги иш ўрни ташкил этилган. Шу жумладан, саноат тармоғида 491 та лойиҳа (6 946 та иш ўрни), хизмат кўрсатиш соҳасида 1 363 та лойиҳа (6 482 та иш ўрни), қишлоқ хўжалиги соҳасида 779 та лойиҳа (4 171 та иш ўрни) амалга оширилган (*Давлат дастурининг 194-банди*).



Ҳаётий мисол. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 апрель куни Жиззах вилоятида бўлди.



Жиззах вилоятида

Давлатимиз раҳбари ташрифини Зафаробод туманида Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйилди.

Бу янги завод нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида ноёб саноат объекти. Қиймати 2,2 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳа йилига 5 миллион тонна нефть хом ашёсини қайта ишлаш имконини беради.



Мажмуада **2** мингдан зиёд, соҳага хизмат кўрсатиш тармоқларида яна **14** мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланади.

Вилоятда 2017-2018 йилларда енгил саноатни ривожлантиришда дастури доирасида қатор истиқбол лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Миллий банк томонидан “Элеганс текс”, “Пахтакор голд текс”, “Форишголд текс”, “Зомин текстиль”, “Зарбдор текстиль” каби корхоналарда умумий қиймати 111 миллион долларлик лойиҳалар натижасида **2** минг **890** янги иш ўрни яратилади.



Агрологистика. “Бону ширинликлари”

Агро логистика марказига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни Италиядан келтириш кўзда тутилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 2 минг тонналик совутгич, шунча сиғимга эга дуккакли маҳсулотларни сақлаш омборхонаси, 3 минг тонна мевасабзавотни қайта ишлаш қувватлари, 4 гектарда иссиқхонаташкил этилади. **Ишчилар сони 150 нафарга етказилади.**

Жиззах шаҳридаги "Бону ширинликлари" корхонаси томонидан экспортга йўналтириладиган қандолат ва шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларини ўрнатилмоқда. **Қўшимча 150 иш ўрни яратилади.**



Мамлакатимизнинг 34 туманида

ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилган 401 та лойиҳа ҳисобига жами **2 195** иш ўрни, шу жумладан: саноат тармоғида 53 та лойиҳа (733 та иш ўрни), хизмат кўрсатиш соҳасида 188 та лойиҳа (752 та иш ўрни), қишлоқ хўжалиги соҳасида 160 та лойиҳа (710 та иш ўрни) амалга оширилди. Туманлар кесимида: Муйноқ туманида – 13 та лойиҳа (271 та иш ўрни), Тўрткўл туманида – 28 та лойиҳа (129 та иш ўрни), Шўманай туманида – 8 та лойиҳа (64 та иш ўрни), Қўрғонтепа туманида – 3 та лойиҳа (9 та иш ўрни), Пахтаобод туманида – 7 та лойиҳа (126 та иш ўрни), Улуғнор туманида – 3 та лойиҳа (49 та иш ўрни), Олот туманида – 18 та лойиҳа (67 та иш ўрни), Ромитан туманида – 1 та лойиҳа (15 та иш ўрни), Бахмал туманида – 7 та лойиҳа (37 та иш ўрни), Фориш туманида – 11 та лойиҳа (36 та иш ўрни), Янгиобод туманида – 8 та лойиҳа (12 та иш ўрни), Дехқонобод туманида – 20 та лойиҳа (82 та иш ўрни), Миришкор туманида – 16 та лойиҳа (70 та иш ўрни), Чирокчи туманида – 23 та лойиҳа (125 та иш ўрни), Хатирчи туманида – 4 та лойиҳа (21 та иш ўрни),



Мингбулоқ туманида – (лойиҳалар II-IV чоракларда кўзда тутилган), Тўрақўрғон туманида – (лойиҳалар II-IV чоракларда кўзда тутилган), Булунғур туманида – 4 та лойиҳа (14 та иш ўрни), Нарпай туманида – 3 та лойиҳа (32 та иш ўрни), Пахтачи туманида – 1 та лойиҳа (3 та иш ўрни), Қўшработ туманида – (лойиҳалар II-IV чоракларда кўзда тутилган), Бойсун туманида – (лойиҳалар II-IV чоракларда кўзда тутилган), Узун туманида – 31 та лойиҳа (86 та иш ўрни), Қизирик туманида – (лойиҳалар II-IV чоракларда кўзда тутилган), Ховос туманида – 1 та лойиҳа (4 та иш ўрни), Бекобод туманида – 10 та лойиҳа (36 та иш ўрни), Бўка туманида – 7 та лойиҳа (45 та иш ўрни), Чиноз туманида – 22 та лойиҳа (195 та иш ўрни), Ёзёвон туманида – 19 та лойиҳа (99 та иш ўрни), Сох туманида – 13 та лойиҳа (63 та иш ўрни), Учкўприк туманида – 7 та лойиҳа (42 та иш ўрни), Янгиарик туманида – 11 та лойиҳа (37 та иш ўрни), Янгибозор туманида – 44 та лойиҳа (161 та иш ўрни), Қўшкўпир туманида – 58 та лойиҳа (265 та иш ўрни) амалга оширилган (*Давлат дастурининг 195-банди*).



Хотин-қизлар бандлиги

Хотин-қизлар кўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли” танловининг маҳаллалараро ва туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш низоми ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг июнь ойида ҳар бир маҳаллада танлов ўтказилиб, биттадан энг яхши деб топилган бизнес лойиҳа танлаб олинади. Туман (шаҳар) босқичи июль-август ойида ўтказилиши белгиланган.

“Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси-2017 йил” танловини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор 2017 йил 20 март куни имзоланди. Танловнинг низоми, ташкилий ишчи гуруҳ аъзолари шакллантирилди.





ЖАМИ

320 ТА
банд

17,5 ТРЛН СЎМ ВА **9,6** МЛРД
АҚШ ДОЛЛАРИГА

ТЕНГ ЛОЙИХАЛАРНИНГ АМАЛГА
ОШИРИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА



ЖАМИ

Хусусан:



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

41

та банд



ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

109

та банд



ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО
ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ
БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ҲАМДА ЧУҚУР УЙЛАНГАН,
УЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ
ТАШҚИ СИЁСАТНИ АМАЛГА
ОШИРИШ

51

та банд



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-
ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ИСЛОХ КИЛИШ

28

та банд



ИЖТИМОЙ СОҲАНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

91

та банд

2020 йил давлат дастури лойиҳасида ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН **10** ТА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР



Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида **кўчмас мулкка эга бўлишда доимий прописка мавжудлиги ҳақидаги талаб** ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахслардан **Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулкни олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик** учун **ундириладиган давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш**



Электрон журналистика, блог юритиш ва электрон ахборот воситалари орқали фикр билдириш фаолиятининг ҳуқуқий механизмини белгилаш



Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш учун Давлат бюджети ҳисобидан 1,5 трлн сўм сарфлаш



Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига **жисмоний ва юридик шахслар, Бизнес омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини** киритиш



Олий таълим муассасаларига **кириш имтиҳонларини янада соддалаштириш**



Ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш



Илм-фан соҳасини **2030 йилгача ривожлантириш концепциясини** ишлаб чиқиш



Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш



Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига ҳисобдор бўлган **Коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органини ташкил этиш**



Пахта ва ғалла ишлаб чиқариш ҳажмларини давлат томонидан тасдиқлашдан воз кечиш

Қўрғонтепа, Олот, Деҳқонобод, Косон, Нурота, Қўшқўпир, Узун туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари бўйича курслари ташкил этилди. Ушбу курсларда 300 нафарга яқин аёл ўқитилди.

Меҳнат вазирлиги томонидан аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич оширишга йўналтирилган 3 та қонун лойиҳаси ва 5 та Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда(*Давлат дастурининг 210-банди*).



4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

Мазкур бўлимда 2017 йилда амалга оширилиши назарда тутилган мақсадлар учун ҳисобот даврида 37,0 млрд. сўм (5%) ва 9,2 млн. АҚШ доллари (9%) йўналтирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 9 766 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари сайловлари ўтказилмоқда. Бугунги кунгача 1 371 та маҳаллада фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари сайланган. Сайлов жараёнлари давом этмоқда.



978 нафар пенсия ёшидаги шахсга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам берилиб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди, 835 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар берилди, 1 284 нафар ишламайдиган пенсионерга (корхоналарнинг собиқ ходимларига) моддий ёрдам берилди (*Давлат дастурининг 215-банди*).


Нукус шаҳрида ногирон аёллар учун янги “Мурувват” интернат-уйи, Андижон шаҳридаги “Саховат” интернат-уйи, Наманган вилоятидаги Наманган “Саховат” уйи, Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳридаги “Марварид” сихатгоҳи, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги “Саховат” уйи, Тошкент шаҳридаги “Нуроний” сихатгоҳи объектларида 5,5 млрд.сўмлик (11%) қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.





Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Тиббиёт ходимлари уйма-уйюриб, касалликларни профилактика қилиши, соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, ишга ва беморларга муносабатини ўзгартириш зарур.

Шавкат Мирзиёев



Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 31 октябрда қабул қилинган «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу маҳсулотларнинг нархи анча арзонлашди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар вакиллари иштирокида дори-дармон воситаларининг белгиланган нархларда сотилиши назорат қилиб борилмоқда.



Республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, имконияти чекланган шахслар, “Мурувват”, “Саҳоват”, “Меҳрибонлик” уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва даволаш профилактика муассасалари тарбияланувчилари 54,2 млн. сўмлик 284 дона ногиронлик аравачалари, 2,0 тн. 16,6 млн. сўмлик куритилган, витаминга бой озиқ-овқат маҳсулотлари, 74,8 млн. сўмлик 4 996 жуфт ёзги оёқ-кийимларидан иборат инсонпарварлик юклари ажратилди (*Давлат дастурининг 218-банди*).

“Соғлом авлод учун” фонди тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги 840 та маҳалла ва 537 та қишлоқдаги оилаларнинг ижтимоий шароити, улардаги психологик муҳит, оила аъзоларининг соғлиги ва айниқса туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва қарияларнинг соғлиги ўрганилди.

“Соғлом авлод учун” фонди ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан ҳамкорликда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг чекка ҳудудларига 2017 йилнинг 21-29 март кунлари Тошкент – Сарисийё – Қумқўрғон – Бойсун – Дарбанд – Оқрабод – Дехқонобод – Қарши – Тошкент йўналишида “Саломатлик” поездаи ташкил этилди.



Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда нуқсонларни барвақт аниқлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун республика ва минтақавий скрининг марказлари томонидан 2017 йилнинг 3 ойи давомида 99 524 нафар янги туғилган чақалоқ туғма гипотиреоз ва 99 524 нафари ФКУ (фенилкетонурия) касаллигига скрининг текширувларидан ўтказилди. Текширув натижасига кўра 1 376 нафар чақалоқда туғма гипотиреоз ва 612 нафарида фенилкетонурия касаллигига мойиллиги борлиги аниқланди.

2017 йил январь ойида “Соғлом авлод учун” фонди томонидан умумий қиймати 244,1 минг АҚШ долларига тенг бўлган пренатал ва неонатал скрининг текширувлари ўтказиш учун реактив ва реагентлар Республика Скрининг марказига берилди (*Давлат дастурининг 225-банди*).



Қорақалпоғистон Республикасида “Соғлом аёл-соғлом оила”, Наманган, Жиззах вилоятларида “Спорт нафислик-соғломлик манбаи” шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди. Фарғона вилоятида хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Мазкур мусобақада 1 037 та фуқаролар йиғинининг 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган 100 000 нафарга яқин ёшлари, хусусан, 300 нафардан ортиқ диний-экстремистик оқимларга алоқадор оила фарзандлари қамраб олинди.

Қашқадарё вилоятида спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика, гимнастрада, шахмат-шашка, қўл тўпи турлари бўйича оилавий спорт мусобақалари ўтказилиб, жами 4 100 нафар хотин-қизлар иштирок этишди (*Давлат дастурининг 226-банди*).



Жорий йилнинг 1 чорагида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионер, ногирон, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан 6 955 нафари санаторийларда бепул соғломлаштирилди (*Давлат дастурининг 230-банди*).

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги **“Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”**ги фармони ҳамда **“Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат fronti фахрийлари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Уларнинг хонадонларига бориб, алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда, моддий-маънавий кўмак берилди. Масалан, Наманган вилоятида шундай тадбирлар доирасида 3 нафар уруш фахрийси – Наманган шаҳридан Низомхон ота Сагторов, Турсунбой ота Тожимирзаев, Уйчи туманидан Жакбарали ота Юсуповга кўп қаватли замонавий уйлардан янги хонадонлар калити топширилди.



Ҳисобот даврида 8 467 та маҳалладаги 4 млн. дан зиёд хонадонларнинг муаммолари ўрганилди. 12,8 млн. фуқаролар билан мулоқот ўтказилиб, иқтисодий йўналишда 185 минг, ижтимоий-маънавий муҳит йўналишида 82 минг, диний фаолият йўналишида 7 минг, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти йўналишида 43 минг, таълим йўналишида 29 минг, соғлиқни сақлаш йўналишида 41 минг, хизмат кўрсатиш йўналишида 427 мингдан ортиқ муаммолар борлиги аниқланди.

Аниқланган муаммоларнинг 42%, шундан, иқтисодий йўналишда 46%, ижтимоий-маънавий муҳит йўналишида 44%, диний фаолият йўналишида 28%, фуқаролар йиғинлари фаолияти йўналишида 55%, таълим йўналишида 66%, соғлиқни сақлаш йўналишидаги 69%, хизмат кўрсатиш йўналишида 36% жойида ҳал этилди.



Аҳоли билан мулоқотлар давомида 10 193 нафар фуқаронинг иш билан бандлигини таъминлаш, 3 709 нафар фуқаронинг иш ҳақи муаммоси, 5 705 нафар фуқаронинг имтиёзли кредит олишдаги муаммолари, 2 529 нафар даволанишга эҳтиёжи бор фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари томонидан ҳуқуқшунослар, тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари билан ҳудудларда 208 маротаба сайёр қабуллар ташкил қилиниб, 3 665 нафар фуқарога зарур ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилди (*Давлат дастурининг 238-банди*).



4.3. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги **"2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"**ги қарори мамлакатимиз аҳолисининг яшаш шароитларини янада яхшилашда янги босқични бошлаб берди.

2017 йилда қурилиши режалаштирилган 15 000 та уйнинг туман ва массивлар кесимида манзилли рўйхати ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ушбу уйларнинг бир қисми, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг танланган туманларида, жами 546 та уйлар тажриба тариқасида қурилиб, жорий йилнинг бошида фойдаланишга топширилди.



Жаҳон банки иштирокида Сирдарё вилояти Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари, Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси ҳамда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида биринчи чорак якуни билан 23 км магистрал сув қувурлари, 57 км сув тарқатиш тармоқлари, 6 дона насос станцияси қурилиши якунланмоқда.

Осиё тараққиёт банки иштирокида Фарғона, Марғилон ва Жиззах шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш ҳамда Тошкент вилояти Қибрай ва Зангиота туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳалари бўйича биринчи чорак якуни билан 18,1 км канализация коллекторларини қуриш, 3 дона канализация насос станцияларининг қурилишини якунлаш кутилмоқда(*Давлат дастурининг 246-банди*).



Узоқ йўллар яқин бўлди

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида, дастурга мувофиқ Бухоро вилоятида 2 та, Жиззах вилояти 1 та, Навоий вилоятида 4 та, Сурхондарё вилоятида 1 та, Сирдарё вилояти 3 та, Тошкент вилоятида 1 та Хоразм вилоятида 2 та, жами 14 та янги йўналиш очилди.

Дастур доирасида 2017 йилда 537 та автобус сотиб олинishi режалаштирилган. Шундан 116 та “Исузу” русумли автобуси харид қилинди ва йўналишларда хизмат кўрсатмоқда. Жумладан: Жиззах вилоятида – 26 та, Наманган вилоятида – 12 та, Хоразм вилоятида – 8 та, Фарғона вилоятида – 13 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 10 та, Самарқанд вилоятида – 2 та, Бухоро вилоятида – 43 та, Сирдарё вилоятида – 2 та.

2017 йилда 7 та янги автостанция қурилиши ва 10 та мавжуд автостанцияни реконструкция қилиш режалаштирилган. Янги қурилиши режалаштирилган:

7 та автостанция бўйича (Навоий 2 та, Сурхондарё 2 та, Хоразм 2 та, Самарқанд 1 та) ер майдонларини ажратиш бўйича туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилинди.



4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ўқитиш тизимини янги босқичга кўтаришга имкон яратади.

Ушбу қарорларга кўра, умумий ўрта таълим тизимига қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг турлари белгиланди. Даволаш-профилактика масканларида стационар шароитда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларга бевосита муассасанинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ташкил этилади.



Олис аҳоли пунктларида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг сифатли умумий ўрта таълим олишини таъминлаш мақсадида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим масканларининг филиаллари ташкил этилиб, уларда ўқувчилар сони 100 нафаргача бўлади. Бошқа умумтаълим масканларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасидан келиб чиқиб, ўқувчилар сони 180 нафаргача бўлган умумтаълим муассасалари ҳам филиалларга айлантирилиши мумкин. Тегишли майдонга эга бўлган мактаблар синфларида ўқувчилар таркиби 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмайди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилади.




4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Дастурнинг ушбу бўлимида ёшлар учун:

ёшларнинг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш учун етук ва масъул мутахассисларнинг сайёр қабулларини ташкил қилиб, зарур ёрдамлар кўрсатиш.


Ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш, мобиль интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган миллий ўйинларни ташкил этиш,



ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни ташкил қилиш.

диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди.

“жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”.



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 35 та “Камолот” уйи қурилиши режалаштирилган бўлиб, 15 та уйда қурилиш ишлари бошланган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилоятида 2 тадан, Бухоро, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 3 тадан, Навоий, Самарқанд вилоятларида 1 тадан. Қолган уйлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда(*Давлат дастурининг 269-банди*).

Ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасаларида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловларини ташкил этиш бўйича Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан танловлар 2-босқичда ўтказилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда биринчи босқич таълим муассасаларида ўтказилмоқда(*Давлат дастурининг 270-банди*).



2017 йил Жиззах шаҳрида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Баркамол авлод-2017” спорт мусобақалари ўтказилади.

Мусобақаларни ўтказиш учун 3 та объект танлаб олинган (4 та спорт зали, 1 та стадион, 1 та манеж, 1 та сузиш ҳавзаси, 1 та теннис корти).

Тадбирнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган “Сўғдиёна” универсал спорт мажмуаси тайёр ҳолга келтирилди. Тадбир иштирокчиларининг яшашлари учун 6 та объект (ўқувчи-талабалар турар жойи), овқатланишлари учун 6 та объект (6 та таълим муассаса ошхоналари) тайёрланмоқда. Иштирокчилар учун мусобақалардан бўш вақтларда маданий ва маънавий тадбирлар ташкил этилиши Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 17 та ишчи гуруҳ тузилиб, 8 та объектда доимий ишлаш учун штаб ташкил этилиб, масъул ходимлар бириктирилди (*Давлат дастурининг 281-банди*).





Министерство Финансов
Республики Узбекистан

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими

Тошкент 2020



Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг амалга ошириш Механизми

1 Мурожаат қилиш



хар ойининг 15-кунигача

Фуқаролар яшаш жойи бўйича маҳаллага аризани тақдим этади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- паспорт нусхаси;
- никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Маҳалла томонидан икки иш куни мобайнида ариза берувчининг маълумотлари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилади.

2 Дастурга киритиш

Пенсия жамғармаси ходими томонидан

2 иш кун мобайнида аризаларни дастурга киритади



Фуқаро тўғрисида дастурга киритиладиган маълумотлар

1. Паспорт маълумотлар
2. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома
3. Фарзандларни бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома
4. Яшаш жойи
5. Оила таркиби тўғрисида маълумотлар
6. Оиланинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар



Ўзбекистон Республикаси
Моддий ёрдам

3 Оила даромадлари ва мол-мулкини ўрганиш

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ томонидан маълумотлар айирбошлаш йули билан аниқланади

4. Молли вақиртлиги 5. Ҳудудий ягона реестр

3. Давлат солиқ қўмитаси

2. Пенсия жамғармаси

1. Давлат хизматлари агентлиги (ФХДЎ)



«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ

9. ИИБ

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

7. Давлат персоналлаштириш маркази

8. АТ "Халқ бани"

Бугунги кунга қадар бта ҳудудда (“Ёшлар иттифоқи”нинг Фарғона вилояти Кенгашида, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Савдо марказида, Андижон вилояти Андижон шаҳрида, Сурхондарё вилояти Шеробод ва Жарқўрғон туманларидаги Марказий бозор ҳудудида ҳамда Тошкент шаҳрида ЁИ Марказий Кенгаши биносида) “Камолот” китоб дўконлари ташкил этилди (*Давлат дастурининг 284-банди*).

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Ҳаёт қайиғи” номли ҳужжатли фильмнинг сценарийси ишлаб чиқилиб, агентлик Бадиий кенгаши томонидан тасдиқланди. Ҳозирда сураатга олиш ишларини бошлашга тайёргарлик кўрилмақда.

Шу билан бирга, “Ўзбеккино” агентлигининг тематик режасига турли соҳаларда меҳнат қилиб, халқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган шахслар (жумладан, Ҳусан Шарипов, Эдвард Ртвеладзе, Худойберди Тўхтабоев ва бошқалар) фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильмлар яратиш киритилган бўлиб, ҳозирги кунда сценарийларга буюртмалар берилган (*Давлат дастурининг 288-банди*).



Республика маънавият ва тарғибот маркази томонидан 8 та масъул ташкилот билан биргаликда мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга бўлган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган қўшма чора-тадбирлар дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва медиа-маданиятни оширишга қаратилган жами 375 дан зиёд учрашувлар, давра суҳбатлари, тренинглари, викториналар, тушунтириш тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар доирасида 84 375 нафар иштирокчи қамраб олинди. Шундан 72,7%ини (61 340)ёшлар ташкил этди. Мазкур тадбирларнинг 84 таси республика ва маҳаллий ОАВларида ёритилди. Банд ижроси юзасидан матбуотда 20 га яқин мақолалар чоп этирилди (*Давлат дастурининг 291-банди*).



❖ Ўзбекистонда глобал пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда бу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ишсизлик даражасини камайтириш сиёсатини амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- ❖ - Инқироз шароитида талаб юқори бўлган соҳаларга ишсиз қолган фуқароларни вақтинчалик ёки доимий фаолиятга жалб этиш;
- Ишсизлик суғуртаси ва ишчилар компенсациясини ўз ичига олувчи ижтимоий хавфсизлик кафолатлари тизимини ишлаб чиқиш;
- Масофадан туриб ишлаш учун фаолиятни ташкил этишга фоиизсиз кредитларни ажратиш;
- Пандемия даврида олий таълим муассасаларини битирувчилари учун иш билан бандлик механизмларини ишлаб чиқиш;
- Аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида тарғибот ишларини жонлантириш.



E'tiboringiz uchun rahmat!

